



## ОЛАМ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИДА ТИББИЁТ ЛЕКСИКАСИ

**Фатуллаева Камола Рахматуллаевна**

*Бухоро давлат университети, Факультетлараро  
чет тиллар кафедраси ўқитувчиси, Бухоро, Ўзбекистон*  
([kfatullayeva@mail.ru](mailto:kfatullayeva@mail.ru))

Олам манзараси – бу субъектнинг атроф-олам, реал ёки ҳаёлий воқеликка оид билим ва фикр-мулоҳазалари мажмуасидир. Илмий тасниф ва талқинлар негизида мужассам бўлган дунё тўғрисидаги дастлабки билимлар айнан тилда турғун шакллар кўринишида сақланиб қолгандир. Илмий адабиётларда дунё образи ва олам модели терминлари ҳам учрайди, бироқ улар кам тарқалган. Олам манзараси термини биринчи бор физика фанида Г.Герц томонидан қўлланилган. Таниқли олим ушбу тушунчани ташқи объектларнинг ички образлари йиғиндиси дейди ҳамда улар ушбу образларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги мантиқий мулоҳазаларни шакллантиришга хизмат қилади, дея таъкидлайди. Кейинчалик бу термин бошқа фанларга кўчди, у К.Ясперс ва Л.Витгенштейнларнинг “Мантиқий-фалсафий трактат” асарида, шунингдек, Л.Вайсгербер асарларида олам манзараси термини ишлатилган. Шунингдек, ўзбек тилшунослигида оламнинг турли манзараларига умумий мазмунда ҳамда концепт ва концептосфералар нуқтаи назаридан долзарб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва борилмоқда, хусусан, Н.Маҳмудов, Ш.Сафаров, Э.Бегматов, А.Нурмонов, А.Маматов, Ж.Элтазаров, Ш.Усмонова, Д.Худайберганова, Д.Бахронова[1] сингари олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Оламнинг лисоний манзарасида ҳар бир тиббий термин ўз лисоний манзарасига эга. Тиббиёт терминологияси, унинг таркибий, семантик ва функционал хусусиятларини таҳлил қилиш инглиз ва ўзбек тили ташувчилари лингвистик манзарасининг муҳим қисми саналади.

Шу муносабат билан терминларни алоҳида эмас, балки ҳеч бўлмаганда лексико-семантик майдонлар (ЛСМ) доирасида ўрганиш муҳимдир, чунки ЛСМни дунёнинг тил модели элементларига киритиш мумкин, бу ўзаро бир бири билан боғлиқ лексик бирликларнинг иерархик таркибий бирлигидан иборат. Улар ўз семантик тузилишида интеграл хусусиятга эга ва ифодаланилаётган ҳодисаларнинг концептуал, предметли ёки функционал ўхшашлигини акс эттиради.

Лексикани алоҳида эмас, балки лексик-семантик майдоннинг яхлит таркибида ўрганиш бизга инглиз ва ўзбек тилида сўзлашадиган маданият вакиллари олам манзарасининг (ОМ) парчасини кўриб чиқишга ҳамда унинг ўзига хослигини, тиббий терминологияда эса универсал хусусиятларни аниқлаш имконини беради.

Ҳозирги вақтда терминологияни ўрганишнинг иккинчи муҳим шарти уни контекстда ўрганиш ҳисобланади. Замонавий назарий ва амалий тиббиётнинг



ривожланиши, шунингдек, умуман фан эволюцияси мавжуд ва пайдо бўлаётган терминологияни ўз вақтида тизимлаштириш ва тартибга солишни талаб қилади. Бу борада ҳар доим ҳам етарлича эътиборга олинмаган контекст катта рол ўйнайди.

Анъанага кўра, тилшуносликда контекст “таҳлил учун танланган бирликни ўз ичига олган, ушбу бирликнинг маъносини аниқлаш учун зарур ва етарли бўлган ва ушбу матннинг умумий маъносига зид бўлмаган матн парчаси” деб тушунилади[2]. Қомусда ёзилганидек, контекст (лот. contextus — жипс, боғланиш, қўшилиш) — оғзаки ёки ёзма нутқ (матн)нинг нисбатан тугал қисми. Контекст ўз таркибидаги сўзлар ёки ибораларнинг маъноларини аниқлашга имкон беради. У поэтика билан боғлиқ бўлиб, ёзувчи маҳоратини белгилашда муҳим аҳамият касб этади[3].

Эслатиб ўтиш керак бўлган учинчи муаммо - бу терминологик лексиканинг иккита катта гуруҳга, яъни умумий терминология ва юқори ихтисослашган терминологияга бўлинишидир. Умумтерминологик ёки ихтисослашмаган терминлар - бу фаннинг турли соҳаларида қўлланиладиган терминлар, масалан, лаборатория, провокация, тизим, диск ва б. Муайян фан соҳасига хос бўлган терминлар тор ихтисослашган ёки махсус деб аталади, масалан, protoplasm, astomia, asthenopurga - протоплазма, астомия, астенопира ва б.

С.В. Величкова ва Е. Н. Таранованинг изоҳига кўра, тиббий терминология таркибий-семантик, сўз ясалиши, стилистик хусусиятларига кўра лексиканинг алоҳида қатлами ҳисобланади. Бу унга тилнинг лексикасида муайян, ўзига хос ўрин эгаллашига имкон беради. Шунингдек, улар тил ривожланишининг ҳозирги босқичида тиббий терминология нафақат илмий дискурс ва ихтисослаштирилган соғлиқни сақлаш муассасаларида, балки сўзлашув нутқида, бадий дискурсда ҳам кенг қўлланилишини алоҳида таъкидлашади[4].

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, тиббий терминология таҳлилини фан тилининг лексикасининг бир қисми сифатида амалга ошириш керак, чунки у табиий равишда унинг таркибига киради. Бевосита функцияси бўйича терминология фақат ушбу лексик тизимга тегишли ҳисобланади. Ҳар бир фан соҳаси ўзининг юқори ихтисослашган лексикасига эга. У бошқа фанларда эмас, балки фақат шу фанда қўлланиладиган сўзлар ва тушунчаларни ўз ичига олади.

Демак, қайд қилиш мумкинки, тиббий терминология дейилганда "мутахассислар томонидан тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий тушунчаларни ифодалаш учун фойдаланадиган сўзлар ва сўз бирикмаларининг тўпламини" тушунамик.

Маълумки, терминнинг асосий мавжуд шакли бу таъриф ёки илмий таъриф, яъни тушунчанинг ўзига хос муҳим хусусиятларини ажратиш орқали термин маъносини белгилашдан иборатдир. Тиббий терминология - бу соҳага хос, табиий равишда ривожланган терминологик тизим бўлиб, у турли хил, яъни умумий ва ўзига хос, аниқ ва мавҳум тушунчалар синфларини ифодалайди. Тиббий терминологиянинг категориал аппарати ҳам нарса, ҳам жараён, ҳам моҳият, ҳам ҳодиса, ҳам белги, ҳам



хусусият, ҳам сифат, ҳам миқдор, ҳам муносабат, ҳам ўзаро таъсир, ҳам сабаблиликни ўз ичига олади.

Л.Н. Гушчина тиббий терминологиянинг ўзига хос хусусиятлари билан шуғулланади ва унинг олтита шундай хусусиятини аниқлайди:

1) тиббий терминологияни грек-лотин терминлари элементларидан сунъий равишда яратилган терминлар ташкил қилади;

2) тиббий терминларнинг аксарияти байналминал ҳисобланади. Бутун дунёдаги профессионал муҳитда алоҳида иборалар фақат лотин тилида қўлланилади: *cito, in vivo, Ds, per os, ac va б.*;

3) тиббий терминлар юқори даражадаги мотивацияси ва семантик шаффофлиги билан тавсифланади (масалан, гистоксик, талипоманус, антиген ва б.);

4) эпонимлар тиббий терминологияни тавсифлаш ва тўлдиришнинг энг кенг тарқалган манбаларидан биридир. Бундай вазият ҳар доим ҳам касалликни ҳар қандай нозологик шаклга дарҳол киритиш мумкин эмаслиги билан изоҳланади. Шу боисан терминнинг нотўғри йўналишининг олдини олиш учун касалликни уни таърифлаган олим номи билан номлаш афзалдир. (*Carpenter syndrome, Hodgkin's disease, Botkin's б.*) Вақт ўтиши билан, касалликнинг этиологияси ва патогенези аниқланганда, тушунчани маълум бир синфга боғлаш ҳақида аниқроқ тасаввур берадиган янги термин пайдо бўлиши мумкин. Эпонимик термин сиқиб чиқарилиши ёки олим хотираси шарафига параллел равишда қўлланавериши мумкин (*Carpenter syndrome = асросефалополисиндактил тип II, Hodgkin's disease = Hodgkin's lymphoma, Botkin's disease = epidemic or infectious hepatitis ва б.*);

5) икки лексик тизим, яъни илмий лексика (классик терминлар) ва маиший лексиканинг биргаликда мавжуд бўлиши. Бу инсон фаолияти қонунлари бошқа нарсалар қатори тиббиётни ўрганиш объекти эканлиги билан изоҳланади. Профессонал тиббиёт тилининг мутахассис бўлмаганлар орасида фаол ишлатиладиган бирликларга эга нопрофессонал тиббиёт тилидан ажралиши содир бўлади.

б) фан ва технологиянинг ривожланиши, илмий фанларнинг интеграцияси, кўп тармоқли тадқиқотлар (масалан, генетик муҳандислик, тиббий радиология, космик ва авиация тиббиёти ва б.) туфайли тиббиёт терминологияси ўхшаш фанлардан олинган кўплаб терминлар билан тўлдирилди[5].

А. А. Грошева тиббий терминологияда терминологик белгининг ассиметрияси ва унинг касбий коммуникацияга таъсири масаласига муружаат қилади. Унинг фикрича, ассиметрия терминология тараққиётидаги табиий жараёнлар натижасидир. Тил бирлиги бўлган терминга синонимия, омонимия, антонимия ва полисемия каби лексик ва семантик жараёнлар ҳам хос ҳисобланади. Бундан ташқари, тиббиёт тилига хос бўлган эпоним-терминлар ҳам терминологик белги ассиметрияси ривожланишининг яна бир сабаби ҳисобланади[6].



Шундай қилиб, тиббий терминология турли позициялардан, яъни ҳам анъанавий тилшунослик, ҳам когнитив тилшуносликдан туриб ўрганиш учун доимий материал манбаи ҳисобланади. Ҳозирги вақтда бу жадал ривожланаётган лексик тизим бўлиб, уни ўрганиш тилларнинг ҳозирги ҳолати, тил ва тиллараро алоқалардаги интернационализацияланиш жараёнлари ҳақида тасаввур беради. Буларнинг барчаси тиббиёт ва соғлиқни сақлашнинг глобаллиги ва ижтимоий аҳамияти билан изоҳланади.

### АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб ... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – №5. – Б.3-16; Маҳмудов Н. Тилнинг сўз хазинаси ва оламнинг лисоний манзараси // Сўз санъати, № 1 (2018). – Б. 18-27.; Сафаров Ш. Коғнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.; Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентриқ тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – №3. – Б. 35-39;
2. Лингвистический энциклопедический словарь / Под ред. В.Н. Ярцевой; Институт языкознания АН СССР. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – 682 с. – С.380.
3. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-k/kontekst-uz/>
4. Величкова С.М., Таранова Е.Н. Структурно-семантические особенности медицинской лексики (на материале немецкого языка) / С.М. Величкова, Е.Н. Таранова // Научные ведомости. Серия Гуманитарные науки. – 2012. – № 18 (137). – Вып. 15. – С. 47–54.
5. Гущина Л.Н. Особенности языка медицины / Л.Н. Гущина // Учебный процесс. Журнал ГГМУ. – 2005. – № 1. – С. 105 – 107.
6. Грошева А.А. К вопросу об ассиметрии терминологического знака в медицинской терминологии / А.А. Грошева // Известия Самарского научного центра Российской академии наук. – 2015. – Т. 17. – № 2(2). – С. 449–452.
7. ФАТУЛЛАЕВА К. “ТЕРМИНШУНОСЛИК”, “ТЕРМИНОЛОГИЯ” ВА “ТЕРМИН” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МУТАНОСИБЛИГИ // Journal of Research and Innovation. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 48-52.
8. Фатуллаева К. ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА СОҲАГА ОИД ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ // Наука и технология в современном мире. – 2023. – Т. 2. – №. 18. – С. 18-20.
9. Фатуллаева К. TIBBIY BIRLIKLARNING LEKSIK-SEMANTIK MUNOSABATLARI // ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 36. – №. 36.
10. Rahmatullayevna, Fatullayeva Kamola. "Empowering Language Skills through Modern Methods." Middle European Scientific Bulletin 18 (2021): 253-258.



11. Fatullayeva K. TIBBIYOTDA ATAMALARNING MA'NODOSHLARI XUSUSIDA //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2023. – T. 2. – №. 7. – С. 58-61.
12. Kadirovna, Abuzalova Mekhriniso, and Fatullayeva Kamola Rakhmatullayevna. "The Meaning of Terms in Medicine." *International Journal of Alternative and Contemporary Therapy* 1.2 (2023): 18-20.
13. Фатуллаева, Камола. "TIBBIY BIRLIKLARNING LEKSIK-SEMANTIK MUNOSABATLARI." *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz)* 36.36 (2023).
14. Фатуллаева, Камола. "ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ." *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences.* 3.8 (2023).
15. Khamzaev S.A., Gilyazetdinov E.Z., Sultonova N.A., Samanova Sh.B., Sodiqov T.U. 2020. The Problem of Using Borrowed Words in The Uzbek Language. *Solid State Technology*, Volume: 63, Issue 6, – p. 8326–8335.
16. Bakhronova M.A, & Bekmurodova Sabina. (2023, March 29). THE VALUE OF LIFE IN THE SHORT STORY "THE LAST LEAF" BY O'HENRY. THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS, Warsaw, (Poland). <https://doi.org/10.5281/zenodo.7830248>
17. Baxronova Matluba Axmedovna. (2022). BADIY ASARLARGA KO'CHGAN HAYOT SABOQLARI. *Conferencea*, 401–404. Retrieved from <https://conferencea.org/index.php/conferences/article/view/640>
18. Bakhronova , M. A., & Sayfullayeva , M. (2022). DICTATION AS LANGUAGE LEARNING TOOL . *Педагогика и психология в современном мире: теоретические и практические исследования*, 2(17), 252–258. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/zdpp/article/view/1812>
19. Uraeva Darmon Saidakhmedovna, and Bakhronova Matluba Akhmedovna. "THE USAGE OF DISEASE NAMES IN LITERATURE AND THEIR DERIVATION". *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, vol. 12, no. 06, June 2023, pp. 21-24, <http://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/1799>.